# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2014-YIL 16-SENTYABR, SESHANBA, 111 (8348)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.


## ҲАМКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги президенти Дае Пё Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 сентябрь куни Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясида бўлди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига ҳамда Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йилнинг июнь ойида мамлакатимизга давлат ташрифлари ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам изчил тараққий этаётир. Идоралараро ташрифлар мунтазамлик касб этиб, ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви ривожланмоқда.

Ўзбекистонда Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Корея Республикасининг 81 компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, транспорт хизмати кўрсатиш, савдо каби соҳаларда иш юритади.

Меҳмонларга федерация фаолияти, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан кафолатланган. Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Жамоат бирлашмаларининг истеъмол соҳасидаги сиёсатни шакллантиришда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

– 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан агентлигимиз ўртасида ҳамкорликка оид меморандум имзоланган эди, – деди Дае Пё Жунг. – Унга мувофиқ мазкур қўмита, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда агентлигимиз ҳамкорлигида учрашув, семинар ва тренинглар ўтказилмоқда. Соҳа мутахассислари ўртасида ўзаро тажриба ва ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Бу истеъмолчилар ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тажриба ва ахборот алмашиш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Сурхондарё Вилояти




## АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда савдо марказида тўрт мингдан ортиқ турдаги озиқ-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, болалар либослари ва уй-рўзғор буюмлари истеъмолчиларга таклиф этилмоқда. Марказ қошида 7 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилган. Бу ерда доимий иш билан таъминланган қирққа яқин ёшларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қизлардир.

**СУРАТДА:** *«Бойсун» савдо маркази ишчиси Асила Қурбонова.*

**ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

Навоий Вилояти

## ОЗИҚ-ОВҚАТ СЕРОБЛИГИ – ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

**Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг истиқболли соҳаси ҳисобланган интенсив боғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Навоий вилоятида ҳам юзлаб гектар майдонларда шу турдаги боғлар ташкил қилиниб, мазкур боғларда томчилатиб суғориш технологияси кенг қўлланилмоқда.**

– Бугунги кунда саккизта фермер хўжалиги ҳамда йирик саноат корхоналари томонидан 211,4 гектар майдонга 145,7 минг туп ярим пакана мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди, — дейди вилоят фермерлар кенгаши раиси Исомиддин Ўроқов. — 30 та фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 41,2 гектар ерга 20,6 минг туп маҳаллий дарахт кўчатлари экилди. Бунинг учун 131,4 миллион сўм маблағ йўналтирилди. 40 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхонаси 119,2 гектар ерда янги токзорлар барпо этди. Бу майдонларга 158 минг дона ток қаламчаси экилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлган юзлаб доимий иш ўринлари ҳам яратилмоқда.

Вилоятда мавжуд майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида режада белгиланган такрорий экинларнинг вақтида экилиши ҳам долзарб вазифалардан биридир. Жорий йил 9100 гектар ерга сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, кунгабоқар, дуккакли экинлар, дон учун маккажўхори ва бошқа турдаги экинларнинг ўз вақтида экилганлиги бу борадаги ишларнинг тизимли йўлга қўйилганлигидан далолатдир.

Вилоятда нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга, балки етарли даражада озиқ-овқат захиралари ғамлаш ва уларни сақлаш орқали йил давомида халқимиз дастурхонига тортиқ этиш, хорижий давлатларга экспорт қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2014-2015 йиллар қиш-баҳор мавсумига захира омборларида қарийб 26 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари сақланади. Шундан 15,6 минг тоннаси такрорий экинлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортиқ сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар мавжуд бўлиб, улар орқали маҳсулотлар халқаро авиатранспортлар ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Бу каби қулай шароит ва имкониятлар мамлакатимизда озиқ-овқат дастурини бажаришда қўшимча қулайликлар яратиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

**Дилшод МАМАРАЖАБОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




Наманган Вилояти

## КОРХОНАНИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАРИ

*Наманган туманидаги "Нафис Текс Гроуп" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари сифати ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборига сазовор бўляпти.*

– Бунинг асосий омили замонавий технологиялар ва малакали кадрлардир, – дейди "Нафис Текс Гроуп" МЧЖ раҳбари Абдулҳамид Раҳимов. – "Ҳамкорбанк"нинг вилоят бўлимидан 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит эвазига хориждан замонавий дастгоҳлар олиб келиб, ўрнатдик. Айни пайтда корхонамизда 156 нафар киши меҳнат қилмоқда.

– Унумли меҳнат қилишимиз учун корхонада барча шарт-шароит яратилган, – дейди ишчи Маҳбуба Махсумхонова. – Шу боисдан, сафимиз ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётир. Уларга тажрибали чеварлар бириктириб қўйилган. Ақида Мамадиева, Шоҳиста Раҳимова, Мадина Боқибоева, Холисхон Холбоева сингари касб-ҳунар коллежи битирувчилари қисқа вақт ичида моҳир чеварларга айланишди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Сирдарё Вилояти

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» МАРКАЗИ ЁШЛАР ХИЗМАТИДА

*Гулистондаги 1-умумтаълим мактабининг қўш қаватли учинчи блоки таъмирдан чиқарилиб, шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказига айлантирилди.*

Бунёдкорлик ишларини Қодир Норов бошлиқ "Сирож" МЧЖнинг қўли гул қурувчилари амалга оширдилар. Қайта таъмирлаш ишларига 510,3 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

"Баркамол авлод" болалар маркази 56 миллион 219 минг сўмлик мебель, 77 миллион 609 минг сўмлик техника воситалари билан жиҳозланди. Болаларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида марказ 25 та компьютер, 10 та оверлок, 15 та тикув машинаси, 3 та телевизор, 2 та DVD, 1 та овоз кучайтиргич ва 2 та прожектор билан таъминланди. Тўгарак хоналари, кўргазмалар зали, маъмурий хоналарда барча шарт-шароитлар яратилди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Қашқадарё Вилояти

## «НИКОҲ УЙИ» ЗАМОНАВИЙ БИНОДА

*Қарши шаҳрида "Никоҳ уйи" қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

Уни Касби туманидаги "Оғабек" хусусий фирмаси бунёдкорлари қуриб, ишга туширишди. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, ундан келин-куёвлар, "Никоҳ" оила мактаби, тантанали маросимларни қайд этиш хоналари ўрин олган. Шунингдек, бу ерда Қарши шаҳар ФҲДЁ бўлими, нотариал идора, "Халқ банки" шохобчаси, интернет алоқа хизматлари мавжуд.

— Ушбу бино ишга туширилгач, бу ерда 20 та янги иш ўрни яратилди, — дейди Қарши шаҳридаги "Никоҳ уйи" директори Ҳикматой Шарипова. — 1,5 гектарлик ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Иккита замонавий фаввора қурилди. Автомобиллар учун тураргоҳлар барпо этилди. Эътиборли томони шундаки, "Никоҳ уйи"нинг дастлабки меҳмонлари истиқлолимизнинг йигирма уч йиллиги шодиёналарига вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган 23 нафар келин-куёвлар бўлишди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Хоразм Вилояти

## ШОВОТНИНГ ШИША ИДИШЛАРИ

*Шовот тумани Ижтимоият қишлоғидаги "Xorazm shisha idishlari" масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишлари синов жараёнлари билан биргаликда олиб борилмоқда.*

Илк натижалар корхонада юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шиша буюмлари тайёрлашга ихтисослашган корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Ҳозиргача хориждан шиша пишириш ускуналари, печлар учун ўтга чидамли ғиштлар, юқори босим асосида ишлайдиган компрессорлар олиб келинди.

Айни кунларда 36 нафар шовотлик йигит-қиз фаолият кўрсатаётган корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 20 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилади ва яна 14 нафар ёшлар учун янги иш ўрни яратилади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Андижон Вилояти

▼ КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК!

## ОБОД МАСКАН — ЧИНОБОД

**Балиқчи туманидаги Чинобод қишлоғини шаҳарга қиёслаш мумкин. Замонавийлик ва миллийликни ўзида мужассам этган, бир-бирини такрорламайдиган кўркам бинолар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, намунавий лойиҳалар асосидаги турар-жойлар, таълим муассасалари ҳамда спорт майдонлари узвийлик билан барпо этилганки, кўзингиз қувнайди.**

"Чинобод" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шавкатбек Тошмирзаев ободлик йўлида қилинаётган ибратли ишлар тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривож топаётганлиги самараси, дея таъкидлади. 40 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда 12 та маҳалла бўлиб, ҳар бирида ўзига хос тадбиркорлик йўналиши бор.

### ТЎҚСОН БУВА ТОКЗОРИ

Абдулҳай бува Ваҳобовга ҳамқишлоқларининг ҳаваси келади. Тўқсон баҳорни қарши олган бува шу ёшда ҳам абжирлиги, ҳаракатчанлиги, томорқасини кони фойдага айлантиргани билан барчага ўрнак. Унинг чоғроққина ҳовлисида юз туп ток бор. Ҳар бир боши бир сават келадиган узум етиштириш ҳадисини олган буванинг тажрибасини ўрганаётганлар кўп. Юз туп ток остида помидор, булғор қалампири, ошқовоқ, сабзи, полиз экинлари ҳосил бериб турибди. Қишлоқ тадбиркорларининг энг улуғи бўлган ва Тўқсон бува деб эъзозланадиган Абдулҳай ота Ваҳобов ҳар йили ток остидаги тупроқни алмаштиради.

Бува мазкур тадбирни пушта усулида шу қадар маромида ўтказадики, натижада узумдан ҳам, сабзавот экинларидан ҳам кўзланганидан зиёда ҳосил олинади.

90 ёшида ҳам гардиши товоқдек келадиган кетмонни қўлидан қўймасдан томорқасини даромад манбаига айлантираётган бувадан гап орасида бу қадар тетиклигининг сирини сўраймиз.

Суҳбатдошимиз қирчиллама қирқ ёшида юрак хасталигига учраган экан. Шифокорлар дарддан халос бўлишда спортнинг сузиш тури малҳам бўлишини айтишибди. Эллик йилдирки, отахон аввал қишлоқдаги бош арикда, сўнгра эса Катта Андижон каналида, тонг палласида сузиш ва чўмилиш билан шуғулланиб келаётир. Саратонда ҳам, қаҳратонда ҳам ўзининг севимли машғулотини канда қилмайди. Қишлоқдаги тадбирларга, тўйларга яёв боради.

— Спортда сир-синоат кўп, — дейди Абдулҳай бува. — Юртбошимизга беҳисоб раҳмат! Мустақиллигимиз бошидаёқ болаларимизни бақувват вояга етказишни олдимизга мақсад қилиб қўйди. Телевизордаги спорт кўрсатувларини кузатиб бораман. Ёшларимиз эришаётган ютуқларни кўриб, бошим осмонга етади. Мактаб ва коллежлардаги спорт заллари, майдонлари фарзандларимизга насиб этганлигидан фахрланаман.

### НАВРЎЗБЕКНИНГ НИЯТИ

"Захкаш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмаджон Ҳалилов бизга пешвоз чиқар экан "янгиликнинг устидан" чиққанлигимизни айтди. Тадбиркор Наврўзбек Ҳамроқулов раҳбарлигидаги "Қувват-ул Комил" хусусий корхонасида республикамиз байроғи ихчам тарзда тайёрланадиган компьютерлашган дастгоҳ синовдан ўтказилаётган экан.

Бундан бир муддат аввал ака-укалар ташкил этган ихчам хусусий корхонада спорт маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Спортчилар даврасининг кун сайин кенгайиб бораётганлиги боис, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларга талаб ортмоқда. Бугунга келиб маҳсулот турлари ўн бештага, ишчилар эса олтмиш нафарга етди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.



Наврўзбек Ҳамроқулов яқинда спорт кийимларига тайёр рамзлар босадиган замонавий дастгоҳ олиб келибди. Бу хайрли ишни амалга оширишда эса "Ҳамкорбанк"нинг кредити қўл келибди. Ушбу дастгоҳни бир киши бошқаради. Тайёрланаётган рамзлар сифат жиҳатидан талаб даражасида. Спорт кийимларига рамзларни жойлаштириш эса тикувчиларнинг маҳорати билан амалга ошириляпти. Қарабсизки, ҳавас қиладиган кийим тайёр! Уни кийиб, ўртага чиққан спортчининг кўзида қувонч порлайди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё Вилояти

# СУВ ҚАДРИНИ МИРОБ БИЛАР

**Ризқу рўзимиз бутунлиги, дастурхонларимиз файзиёблигида мироблар — муҳандис-гидротехникларнинг хизмати катта. Ота-боболаримизнинг сув келтирган инсонларни «Сувдай сероб бўлинг», деб дуо қилишлари ҳам бежизга эмас.**

Қишлоқда, кенг пахтазорлар қўйнида ўсиб-улғайган Мирвали Ҳакимов ҳам ёшликдан миробликка меҳр қўйди. Мактабни тамомлаб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти гидромелиорация факультетига ўқишга кирди. Таҳсилни муваффақиятли тамомлаб, Сайхунобод туманлараро каналлар бошқармасида иш бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбари томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қатор ҳаётбахш ҳужжатлар қабул қилинди, вилоятлар ва туманларда мелиорация бошқармалари ташкил этилди. Минглаб гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун янги каналлар, зовурлар қазилди, тупроқ шўрланиш даражасини камайтириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. “Шўрўзак — Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам вилоят сув тақсимотини яхшилаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тартибга келтириш бўйича бошланган хайрли ишларнинг дебочаси бўлди. Бошқарма жамоаси ўтган 12 йил ичида Сайхунобод, Гулистон, Сирдарё ва Мирзаобод туманларидаги экин майдонларини сув билан таъминлаш, гидропост ва гирдотехника иншоотларини созлаш, янгиларини барпо этиш йўлида жуда катта ишларни бажарганлиги боис ушбу туманларда пахта ва ғалла ҳосилдорлиги кескин ўсди. Шу йиллар орасида Мирвали Ҳакимов бошқарманинг Ўнгирмоқ каналида муҳандис-гидротехник лавозимида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳудуддаги 14 минг гектардан ошиқ майдонни ўз ичига олган “Пахтакор”, “Гулистон”, “Бирлашган”, “Ғалаба”, шунингдек, Амир Темур, Қ.Султонов, Шариф Раҳимов номли сув истеъмолчилари уюшмаларида давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома режалари доимий равишда 110-115 фоизга бажарилмоқда. Боиси, тумандаги 109 та гидропост, 12 та гидротехник тўсма иншоотларда носозликлар сезилмаётир.

Ўнгирмоқ каналининг Бешқувур участкасида 500 та товуқ боқиладиган паррандачилик фермаси, 30 сотихлик майдонда балиқчилик ҳавзаси ташкил этилди. Ариқ бўйларидаги ташландиқ майдонда 3 гектарлик полиз барпо қилинди.

Тажрибали мироб бирор муаммога дуч келган дамларда устозлари марҳум Виктор Иванов, Раҳимжон Қосимовларнинг ўгитларига таянади. Кези келганда шогирдлари — “Шўрўзак — Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Собиржон Жўраев ҳамда ушбу бошқармада самарали меҳнат қилаётган Дилшод Мавлонов, Анвар Босинов, Равшан Мирзаҳамдамовларнинг ёрдамига таянади. Устозлар ўгити, шогирдлар кўмагида сув таъминоти рисоладагидек бўлаётгани сабаб бу йил Сайхунобод ва Сирдарё туманларида гектаридан 50 центнердан ошириб сара дон йиғиб олинди.



*Жонкуяр, изланувчан гидротехник Мирвали Ҳакимов (чапда) ҳамкасблари Валижон Қосимов ва Собиржон Жўраевлар билан галдаги вазифалар ҳақида фикрлашмоқда.*

Яқин йиллар ичида саратон ва асад ойларида сув танқислиги бу йилгидек бўлмаганди. Ғўза айни гуллаб, кўсаклаётган пайтда сув танқислиги кўпчилик пахтакорларни жиддий ташвишга солиб қўйди. Шундай пайтда тажрибали гидротехник Мирвали Ҳакимов сувдан унумли фойдаланиш тажрибасини амалда синаб кўрди. Чунончи, “Бирлашган” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги “Шомирзабой”, “Исмоил бобо” ва бошқа қатор фермер хўжаликларида илк бор томчилатиб суғориш усулини қўллашди. Самара эса кутилганидек ижобий бўлди. Янги усулдан фойдаланилгани учун сув 15-20 фоизга тежалди. Ғўзага сув тарашга кетадиган вақт 24 соатдан 12 соатга қисқарди ва қатор майдонларда мўл ҳосил яратилишига эришилди. Ушбу тажрибани қўллаган фермер хўжаликлари биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 40 центнердан сара ҳосил йиғиб олишни кўзламоқда. Сув исрофгарчилигини камайтириш, ариқларда ўт босишнинг олдини олиш мақсадида эса ариқларнинг икки ёнига сомон пояларини тўшаш тажрибаси қўллаб кўрилди. Натижада сув исрофгарчилиги 15-16 фоизга камайиши баробарида сув йўлларида бегона ўт ўсиши кескин камайди. Тумандаги Тўти Рўзимбоева раҳбарлик қилаётган “Қаҳрамон — Зилола” фермер хўжалигида эса қатор йиллардан бери магнитли суғориш тажрибаси қўлланиши натижасида гектаридан 50 центнердан пахта, 60-70 центнердан сара дон етиштирилмоқда. Бу йил ҳам ушбу хўжаликда ҳар гектар майдондан 70 центнердан буғдой ўриб олинди.

— Мирвали Ҳакимов бошқармамизнинг энг тажрибали гидротехникларидан, — дейди “Шўрўзак — Сирдарё” ирригация тизими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Валижон Қосимов. — Унинг изланувчанлиги ва тиниб-тинчимаслиги сабаб Сайхунобод тумани пешқадамлар сафидан ўрин олди. Ҳалол ва самарали меҳнат Мирвали Ҳакимовга бахт ва омад келтирди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёнаси кунларида Президентимизнинг Фармони билан унга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” унвони берилди.

— Бу унвон, мукофот жамоамиз меҳнатига берилган баҳо деб ҳисоблайман, — дейди Мирвали Ҳакимов. — Ишда, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда Юртбошимиз ишончини сидқидилдан оқлашга ҳаракат қиламан.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

**Жорий йилда вилоятдаги фермер хўжаликлари томонидан мўл пахта ҳосили етиштирилди. Галдаги вазифа уни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиб-териб олишдан иборатдир. Шу боис, мавсумни беталафот ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида вилоят ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

# ҲОСИЛНИ ЁНҒИН ХАВФИДАН САҚЛАЙЛИК

Жумладан, йиғим-терим мавсуми давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус ишчи гуруҳлари шакллантирилди. Улар зиммасига пахта майдонлари, пахтани қабул қилиш масканлари ва қайта ишлаш корхоналарида ёнғинлар чиқишига йўл қўймаслик, содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан қатор вазифалар юклатилди.

Гуруҳ аъзолари жойларда ёнғин хавфсизлигига оид тушунтириш-тарғибот ишларини самарали ташкил этишди. Аввало, мавсумда иштирок этадиган барча техника ва механизмлар текширувдан ўтказилди. Пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари ёнғинга қарши замонавий воситалар, техника ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шунингдек, ҳашарчиларнинг вақтинчалик яшаш жойлари қатъий назоратдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хусусан, Косон пахта тозалаш корхонасига қарашли пахтани қабул қилиш масканларининг ёнғинга қарши ҳолатлари текширилганда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Текширув натижаларига кўра, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган, масалага масъулиятсизлик билан ёндашган 2 нафар раҳбар ходимларга нисбатан 384 минг 420 сўм миқдорида маъмурий жарима чоралари қўлланилди. Кўплаб масъул шахслар ҳушёрлик ва назоратни ошириш борасида қатъий огоҳлантирилди.

Айни пайтгача йиғим-терим мавсумини ёнғиндан хавфсиз равишда уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимида фаолият кўрсатаётган вилоятдаги барча корхона ва ташкилотларга ёнғинга қарши янги ускуна ва жиҳозлар тўлиқ етказиб берилди. Жумладан, 14 дона “НШН” русумли ёнғин ўчириш насослари, 105 дона “ОП-8” русумли ёнғин ўчириш мосламалари, 500 донага яқин учқун сундиргич ва челаклар ҳамда бошқа зарур воситалар жойларга тарқатилди.

Мавсумга сафарбар этилган 200 нафарга яқин ёнғин хавфсизлиги ходимлари учун махсус “Йўриқнома”лар ишлаб чиқарилди. Мавзуга доир 4 турдаги 8 минг донадан ортиқ рангли плакатлар, шиор ва эслатмалар тайёрланиб, пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари, серқатнов автомобиль йўллари ҳамда пахта далалари четларига осиб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят миқёсида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳеч бир масала эътибордан четда қолмади. Зеро, бу борада белгиланган барча чора-тадбирлар, амалга оширилаётган ишлар мавсум иштирокчиларининг огоҳлик ва ҳушёрликларини янада оширишга, йиғим-теримни беталафот ва кўнгилдагидек ўтказишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Шерзод АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ**
**Ёнғиннинг олдини олиш бўлинмаси**
**катта муҳандиси, капитан.**

Сурхондарё Вилояти

*Арслонхон Хужжатовнинг касби шифокор. У бу касбни эъзозлаб келиши билан бирга, юртимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорлик борасида ҳам ҳавас қилса арзигулик ютуқларга эришмоқда. Даставвал 50 гектар ерда фермерлик қилиб, давлатга пилла, ғалла ва пахта сотиш шартномавий режаларини ҳар йили ортиғи билан бажарди. Кейинчалик “Далварзин” сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидан қўшимча ер олиб, кичик боғ яратди.*

## ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ ЭЛ КОРИГА ЯРАЙДИ

Фарзандлари вояга етгач, ўғли Шарофиддин билан “Зуҳриддин—Заҳриддин” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Аввал кичик савдо дўконида иш бошлаган тадбиркор кейинчалик хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтирди.

Хусусан, туман марказида Автомир номли аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчасини очиб, бу ерда енгил автомобилларга эҳтиёт қисмлари савдо-сотиғини йўлга қўйди. “Техник хизмат кўрсатиш” шохобчасида эса автомобилларни таъмирлаш ва сервис хизматлари бажарилмоқда.

Арслонхон ака савоб ишларга ҳам бош-қош. Беш нафар кам таъминланган оила учун шинам уй-жой қурдириб, жиҳозлаб бергани, тумандаги болалар уйига моддий ёрдам кўрсатгани таҳсинга лойиқ.

Тадбиркор яқинда яна бир хайрли ишга қўл уриб, тош-шағал ишлаб чиқариш корхонасини ишга туширди.

— Ушбу корхонамиз қурилиши учун “Миллий банк”дан 1,5 миллиард сўмлик кредит ажратилди, — дейди А.Хужжатов. — 270 минг АҚШ доллари ҳисобига хориждан тошни майдалаб, қумни тозалайдиган технологияни келтирдик. 370 миллион сўмлик экскаватор ҳамда 285 миллион сўмлик икки дона “Шагма” юк машиналарини Хитой давлатидан сотиб олдик. Муҳими, шу тарзда янги корхонани ишга тушириб, 25 нафар қишлоқ аҳлининг бандлигини таъминладик. Келгусида яна бетон плита, бетонли блок ғишт ва кафел ишлаб чиқарадиган учта цех очиб, 30 кишини иш билан таъминламоқчимиз.

**Чори ПАРДАЕВ**

САЙЛОВ – 2014

# ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВОЛДИ ВАЗИФАЛАРИ

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда шу йил 15 сентябрдан сайлов кампанияси бошланиши муносабати билан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Б.Ёқубов ва бошқалар 2014 йилдаги сайловлар олдинги сайловлардан сифат жиҳатдан фарқланиши, бунда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Концепцияга мувофиқ жорий йилнинг апрель ойида Асосий Қонунимизнинг айрим моддаларига киритилган ўзгартиришларда партиялараро рақобат янада кучайтирилганини, сиёсий партияларга қўйиладиган талаблар ортганини кузатиш мумкин.

Партия фаоллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари асосида парламент қуйи палатаси ва жойлардаги вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир вазифаларни кўриб чиқди.

Бўлажак сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, сайлов тизимидаги янгиликларни ўрганиш, замонавий сайлов технологиялари бўйича кўникмаларни шакллантириш, сайловолди штабларини ташкил этиш, сайлов кампаниясини юксак демократик талабларга мос равишда ўтказиш бўйича икки босқичли ўқувлар ташкил этилгани ўзининг самарасини бермоқда.

Айни пайтда “Сайловларга кўмакдош” лойиҳаси доирасида партия кузатувчилари (ҳар бир сайлов участкаси бўйича), ваколатли вакиллари ҳамда депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини тайёрлаш ишлари якунланмоқда.

Йиғилишда бўлажак сайловда барча даражадаги вакиллик органларида иложи борича кўпроқ депутатлик ўринларини эгаллаш учун бутун имкониятларни сафарбар этиш кераклиги алоҳида қайд этилди. Бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ОБОД МАСКАН — ЧИНОБОД

**(Боши 1-саҳифада)**

— Ҳар бир ишни режа асосида босқичма-босқич амалга оширяпмиз, — дейди Наврўзбек Ҳамроқулов. — Барча техник жиҳозлар янгиланганлиги маҳсулот сифатини кўтаришга, ишни икки навбатда ташкил этишга шароит яратди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз омборда туриб қолмайди. Асосан буюртма асосида ишлаяпмиз. Яқин вақт ичида ишчилар сони 200 нафарга, ялпи даромад бир миллиард сўмга етади. Бизга кўрсатилаётган эътибор ва яратиб берилаётган имконият ана шундай мақсадларни рўёбга чиқаришда омил бўлаётир.

### “ШИРИН ХОНАДОН”

29 ёшли тадбиркор Одилжон Қамбаров ҳақида ҳам илиқ гаплар эшитдик. Одилжоннинг хонадони чинободликларга таниш бўлиб кетибди. Барча ҳамқишлоқлари эҳтиром билан “Ширин хонадон” деб айтишар экан. Қандолат маҳсулотлари тайёрлашнинг ҳадисини олган ва ўнлаб ёшларни иш билан таъминлаган бу йигит ҳақида қувониб гапирган Шавкатбек Тошмирзаевнинг таклифи билан Одилжоннинг хонадонига ташриф буюрдик. Остона хатлаб, унинг ҳовлисига кирар эканмиз, ширинликлар ифори димоғимизни чоғ қилди.

Турли хил ширинликлар тайёрловчи хусусий тадбиркор ёнида 7 нафар опа-сингиллари ва жиянлари камарбаста. Иш кўлами кенгайиб, буюртма миқдори ортгач, қўни-қўшниларни ҳам ишга таклиф қилишди. Ҳозирда қўшнилари — Муаззамхон Умарова, Яшнахон Раҳимова, Навбаҳор Убайдуллаева ва бошқалар иш билан банд. Энг муҳими, улар эл учун ҳамиша керак бўладиган ҳунарнинг эгаси бўлишди.

Яна бир жиҳатга кўзимиз тушдики, хусусий тадбиркор етакчилигида тайёрланаётган маҳсулотлар ўз савдо белгисига эга. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот тайёрлаш баробарида унинг харидорини топишдек вазифа ҳам бор. Одилжон Қамбаров асосий эътиборни маҳсулот сифатини янада оширишга ва мунтазам мижозлар сафини кенгайтиришга қаратмоқда. Шундан бўлса керакки, атрофдаги шаҳарлардан келишиб, маҳсулотларни доимий тарзда буюртма асосида олиб кетаётган ишбилармонлар беҳисоб.

### БУГУНГИ КУН ФЕРМЕРЛАРИ

Сўз юритилаётган қишлоқнинг табиати сўлим. Юқори қисмида Мазгилсой, шимол томонида Қорадарё, қишлоқнинг ўртасидан эса Катта Андижон канали оқиб ўтади. Тупроғи унумдор. Одамлари эса Тўқсон бувадек меҳнатнинг орқасидан қувишга одатланишган. Фермерлик ҳаракати боис мулкчилик муносабатлари ривожланиб, эгалик ҳисси ошди. Бугун қишлоқда шундай фермерлар борки, деҳқончилик бобида янги йўналишларни йўлга қўймоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилмоқда.

Фазлиддин Тожибоев бошқараётган “Хон” фермер хўжалигига борганимизда кўп янгиликлар, йўналишлар юзага келганлигининг гувоҳи бўлдик. Хўжаликда деҳқончилик ривожда. Зотли қорамолларни кўпайтириш мақсадида Европадан маҳсулдор ғунажинлар келтириляпти. Етти хазинанинг бири — паррандачилик йўлга қўйилган. Ноанъанавий усулда узум етиштириш агротехнологияси ўзлаштирилди ва махсус токзор ташкил қилинди.

Фермер топганларини яхшилик йўлида сарфлашни, янги иш ўринларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У ўз маҳалласи марказида гузар барпо этди. Бу ерда аҳолига намунали хизматлар кўрсатилмоқда.



Баҳодир Усмонов раҳбарлик қилаётган “Эргашали Усмон боғи” фермер хўжалигида ҳам ана шундай ривожланиш жараёни бормоқда. Пахта-ғалла, мева-сабзавот етиштириш борасида эътиборга молик ютуқлар борки, бу ерга республикамизнинг турли томонларидан фермерлар келишиб, тажриба алмашадилар.

Ўтган йили дала шийпонида оби нон тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Мижозлар кўпайгач, қолипли нон тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Дала шийпонининг иккинчи қаватида энг сўнгги русумдаги бичув-тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган, эллик кишилик иш ўрнига эга янги цех фаолият бошлаш арафасида. Чинобод қишлоғида умргузаронлик қилаётган инсонлар ўртасида ишбилармон ва тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганлиги туфайли янги иш ўринлари вужудга келтирилмоқда. Аҳолининг эса даромадига даромад қўшиляпти, қишлоқ қиёфаси ўзгармоқда, фаровон турмуш сари интилиш кучаймоқда.

— Президентимиз қишлоғимизга ташриф буюриб, биз билан ўтказган суҳбатларида ҳали кўп ўзгаришларга гувоҳ бўласизлар, дегандилар, — дейди меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Аҳмаджон ота Ҳожиев. — Бугун ўша кунларга етиб келдик, деб айтишга тўла асосимиз бор. Ҳар бир кўча ва маҳаллада бўлсангиз, Президентимиз тилга олган ўзгаришларни кўрасиз. Ҳеч қандай ҳадиксиз “Ким эдигу ким бўлдик!” дея бараллa сўзлашга тўла ҳақлимиз. Қишлоғимиздаги ўзгаришларни туман, вилоят ва мамлакат миқёсига қиёслайдиган бўлсак, истиқлол йилларида катта яратувчилик, улуғвор бунёдкорликларга эришилгани тўла намоён бўлади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

**Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мамлакатимиздаги янгиланишлар самараси юртдошларимизнинг турмуш фаровонлиги, хонадонлардаги қут-барака, тинчлик-осойишталик тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.**

# ОГОҲЛИК ВА ФАОЛЛИКДАН ДАЛОЛАТ

Темир йўл тизимида қулайликни ошириш йўловчиларни ташишда сервис хизматини янада такомиллаштириш мақсадида “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ходимлари “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси вакиллари билан бирга темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташиш фаолиятига хавф солувчи камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, ўз вақтида бартараф қилиб келмоқда. Бажарилаётган ишларнинг барчаси темир йўлларда ҳаракат хавфсизлиги ҳамда темир йўл яқинида яшовчи аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмас деганидек, темир йўл ҳудудларида яшайдиган аҳоли томонидан бекат ва бекатлар оралиғида уй ҳайвонларини назоратсиз боқишлари, янги қурилган тўсиқларни бузиш, маиший чиқиндиларни темир йўл атрофига ташлаш ҳамда ёш болаларнинг темир йўл ёқаси бўйлаб назоратсиз юриш ва йўловчи ташувчи поездларнинг дераза ойналарига тош отиш ҳолатлари учрамоқда.

Масалан, 2014 йил 12 июль куни Тошкент вилояти Янгийўл тумани А.Ортиқов маҳалласи Дам олиш уйи кўчаси 36-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Тўлаганов Бегзод Бахтиёрович томонидан темир йўлнинг “Ўзбекистон — Янгийўл” бекатлари оралиғининг 3392 километрида, 2014 йил 27 июль куни Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Накишон қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Азимов Абдуғани Ўктам ўғли томонидан темир йўлнинг “Самарқанд — Зарафшон” бекатлари оралиғининг 3717 километрида ва 2014 йил 17 август куни Жиззах шаҳрининг Тинчлик маҳалласида номаълум шахс томонидан темир йўлнинг “Жиззах — Разъезд” бекатлари оралиғининг 3612 километрида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электрпоездига тош отилиб, дераза ойналари синдирилган.

Содир этилган безориликлар оқибатида юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электрпоездига етказилган иқтисодий зарар миқдори 17 миллион 603 минг сўмни ташкил этди. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, йўловчилар хавфсизлигига, уларнинг бехатар манзилга етиб олишларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, темир йўлларда юк ва йўловчи ташувчи поездларнинг бенуқсон ҳаракатланиши учун эътибор ва назоратимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Зеро, юк ва йўловчиларни хавф-хатардан асраш нафақат темирйўлчиларнинг, балки барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

**А.ҚАЛИМБЕТОВ,**
**“Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси матбуот котиби.**

Навоий Вилояти

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

# СОҒЛОМ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

***Мамлакатимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламдаги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий ташхис ва даволаш ускуналарини жорий этиш борасида ривожланган хориж тажрибаларидан унумли фойдаланиш самарали йўлга қўйилмоқда.***

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Навоий вилоятининг деярли барча ҳудудларида тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, янгидан бунёд этиш ва жиҳозлаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси биносини қуриш, Нурота тумани туғуруқ бўлимини қайтадан таъмирлаш ишлари давом эттириляпти. Жорий йилда, шунингдек, вилоят онкология диспансерининг даволаш бўлими, поликлиника ва ёрдамчи бинолари қурилиши режалаштирилган.

Хатирчи ҳамда Кармана туманларида 300 ва 250 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли туман марказий поликлиникалари биноларининг бунёд этилаётганлиги, Навбаҳор туманида асаб-руҳий касалликлари беморлари учун вилоят диспансерининг қурилиши бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин намунасидир.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиклаш ва даволаш ишларига қаратилаётган эътибор туфайли сўнгги йилларда вилоятимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси тубдан янгиланиб бормоқда, — дейди Навоий вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Фазлиддин Усмонов. — Жумладан, сил касалликларига қарши кураш диспансерини қайтадан мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 1-, 2-болалар бўлими, унинг таркибида аллергология, пульмонология, нефрология, гастроэнтерология, кардиология бўлимлари ташкил этилди ва беморлар ётиб даволанадиган ўринлар сони кенгайтирилди.

Жорий йилда мазкур тиббиёт муассасаси Германия KFV банки имтиёзли кредити ҳисобидан 1 миллион 137 минг евро миқдоридаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши режалаштирилган. Бу эса болалар саломатлигини қисқа вақт ичида тиклаш имкониятини беради. Жорий йилнинг ўтган даврида касалликларни эрта аниқлаш, уларнинг олдини олиш мақсадида вилоят бўйича 122 минг 550 нафар бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Айни пайтгача марказга биринчи босқичда 9 турдаги умумий қиймати 146 минг 717 евро бўлган 18 та замонавий тиббиёт ускунаси келтирилди. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки қишлоқ врачлик пунктлари ҳам замон талаблари даражасида тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кенг қамровли тадбирлардир. Бу борада Она ва бола скрининг марказида олиб борилаётган амалий ишлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.



Барча соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш соҳа ходимларидан катта билим ва тажрибани талаб қилади. Шу боис, тиббиёт ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги бир гуруҳ шифокорлар масофадан ўқитиш тизими орқали Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг профессор-ўқитувчиларидан тиббиёт янгиликларини ҳаётга жорий қилиш йўлида сабоқ оляптилар.

Мухтасар қилиб айтганда, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ва хайрли ишларнинг узвий давоми бўлиб, соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Муҳаммад РАЖАБОВ**

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

# НОГИРОНЛАР УЧУН ЗАХИРА ИШ ЖОЙИ САҚЛАНАДИМИ?

**Савол:** *Ишга кирмоқчи бўлган ногиронларга амалдаги қонунчилигимизда имтиёзлар борми? Агар бор бўлса, улар нималардан иборат? Шулар ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.*

**Камол МАҲМУДОВ**
*Пастдарғом тумани*

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 68-моддасига асосан давлат ногиронларга қўшимча кафолатларни таъминлайди.

Мазкур кафолатлар иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан, ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, махсус ўқув дастурларини ташкил этиш, корхоналарга ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун минимал иш жойларини белгилаш йўли билан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирлар орқали таъминланади.

